



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Бухоро давлат университети  
ректори

А.А.Тулаганов  
2017 й

## “Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш” интерактив хизматнинг намунавий регламенти

### 1.Хизмат таърифи

#### 1.1.Хизмат номланиши

Қисқа номи: “Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш”  
Кенгайтирилган номи: Бухоро давлат университети (Университет) расмий веб-сайти орқали «Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш» интерактив хизмати

#### 1.2. Хизмат натижаси

Бакалаврият ва магистратурада таълим олаётган талабанинг фанлардан ўзлаштириш натижаларини мониторинг қилиш

#### 1.3. Хизмат кўрсатувчи

Хизмат университет томонидан кўрсатилади

#### 1.4.Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхати рақами 1981]

#### 1.5.Хизматдан фойдаланувчилар

Университет талабалари фойдаланишлари мумкин.

#### 1.6. Хизматдан фойдаланиш муддатлари

Ўқув йили давомида

#### 1.7. Бажарилиш муддати

Жавоб бериш: мурожаат жўнатилиши билан онлайн такдим этилади

### 2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш

#### 2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат этган аризачига қуйидаги ахборот берилиши лозим:

-Хизмат регламенти мавжудлиги ва регламент билан танишиш усуллари  
-Талабалар ўзлаштириш ҳақида маълумот олиш

## 2.2. Батафсил маълумот олиш

Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш хизмати тўғрисида ахборот бериш университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали амалга оширилади.

## 2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Университетнинг Физика-математика, Филология, Туризм, Тарих, Табиий фанлар факультетлари

Бухоро вилоят, Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 11-уй

Мўлжал: Абу Али ибн Сино номидаги фавворалар хиёбони

Транспортлар: 6,76,33,75,86,88 - автобусларнинг “Олмос” кафеси бекати, 72,25,37,11- автобусларнинг “Университет ётоқхонаси” бекати.

Университетнинг Жисмоний маданият ва Педагогика факультетлари

Бухоро вилоят, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси 11 уй

Транспортлар: 25,35 автобусларнинг “Ҳарбий қисм” бекати

Университетнинг Чақириқгача ҳарбий тайёргарлик факультети

Бухоро вилоят, Бухоро шаҳар, Б.Нақшбандий кўчаси.

Мўлжал: “Лаби Ҳовуз” мажмуасига бориш йўли ёққасида

Транспортлар: 52,9,8- автобусларнинг “Белла Италия” бекати

## 3.Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кўриш вақтлари

### 3.1. Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчиларнинг иш вақти: душанба-шанба куни соат 09<sup>00</sup> дан 18<sup>00</sup> га қадар

### 3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

1 кун

## 4.Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1.Зарур бўлган ҳужжатлар.

ЭРИ (Электрон рақамли имзо)

### 4.2. Хизмат тўлови.

Бепул

### 4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
2. «Интерактив хизматлар» бўлимидан «Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш» интерактив хизмат танланади ва керакли маълумотлар олинади.

#### 4.4. Рад этиш сабаблари

- Талаба академик таътилда бўлса:
- Талабалар сафидан четлатилган бўлса.

**“КИРИТИЛДИ”**

Ўқув-услубий бошқарма  
бошлиғи

*С.Эргашов*  
М.Я.Эргашов

“*27*” *сентябрь* 2017 й



**“КЕЛИШИЛДИ”**

Ахборот технологиялар  
маркази бошлиғи

*М.З.Хусенов*  
М.З.Хусенов

“*27*” *сентябрь* 2017 й